

ОИЛАДА ФАРЗАНДЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ДЕЗАДАПТАЦИЯ ХОЛАТЛАРИ

Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, ўқитувчи
Қодирова Маҳлиё Исоқ қизи, талаба
Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали
Э-mail: umidaibaydullayeva@mail.ru

Аннотация: Мақолада оилада фарзандлардаги ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатлари ҳақида сўз юритилиб, дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи ижтимоий омиллар орасида оила ижтимоий институти алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу омилларнинг ўз вақтида аниқланиши ва бартараф этилиши ўсмир шахси шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Оила – бош тизим, яхлит бир бутунлик, ўзаро алоқадорлик, тизим, ўқишдаги муаммолар, салбий муносабатлар, ижтимоий-психологик дезадаптация, субъект томон, меъёр ва мезонлар, тавсиф.

Аннотация: В статье говорится о социально-психологической дезадаптации детей в семье, причем особое значение среди социальных факторов, вызывающих дезадаптацию, занимает социальный институт семьи. Своевременное выявление и устранение этих факторов имеет большое значение в формировании личности подростка.

Ключевые слова: Семья - основная система, целостное единство, взаимосвязанность, система, проблемы в обучении, негативные отношения, социально-психологическая дезадаптация, субъектная сторона, норма и критерии, описание.

Abstract: The article deals with the socio-psychological maladaptation of children in the family, and the social institution of the family is of particular importance among the social factors that cause maladaptation. Timely identification and elimination of these factors is of great importance in shaping the personality of a teenager.

Keywords: Family - the main system, holistic unity, interconnectedness, system, learning problems, negative relationships, socio-psychological maladjustment, subjective side, norm and criteria, description.

Оила мустаҳкамлиги ундаги соғлом шахслараро муносабатлар, ўзаро эмоционал яқинлик ҳислари инсоннинг ҳаёт давомида учраб турадиган турли шикастлантирувчи вазиятларга нисбатан чидамлилигини шакллантиради. Инсон томонидан ушбу вазиятларга нисбатан салбий муносабатлар бевосита

ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Психологик адабиётларда дезадаптация тушунчаси субъект томонидан ижтимоий меъёр ва мезонларга мослаша олмаслик ҳолати сифатида тавсифланади.

Дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи ижтимоий омиллар орасида оила ижтимоий институти алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу омилларнинг ўз вақтида аниқланиши ва бартараф этилиши ўсмир шахси шаклланишида катта аҳамият касб этади. Дезадаптация ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар:

1. Ўсмирлар оилавий анамнезининг оғирлашуви.
2. Нотўлиқ оилалар.
3. Оиладан ташқарида референт гуруҳларнинг (шахс учун аҳамиятли) салбий тарбиявий таъсири.
4. Кўп ичувчи ота.
5. Ота-оналардан бирининг руҳий касаллиги.
6. Оиладаги дисгармоник муносабатлар ва келишмовчиликлар.
7. Болалиқда ўсмирга ота-онанинг нотўғри муносабати.
8. Психопатология даражасининг чегаравийлиги ёки юқорилиги.

Оила – ҳар биримизга тегишли бўлган бош тизим. Тизим – яхлит бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўладиган кишилар гуруҳидир. Бу тизимнинг барча қисмлари чамбарчас алоқада бўлар экан, оила аъзоларидан бири ҳолатининг яхшиланиши (ёмонлашуви) муқаррар тарзда бошқаларининг аҳволига ҳам акс этади. Айрим ҳолларда ота-оналар «Нима учун ўқишдаги муаммоларни биз ҳал қилишимиз керак?», «Оиланинг бу ҳолатга қандай алоқаси бор?», «Ўқитувчи бола билан тўғри муносабатларга кира олмайдими?» мазмунидаги саволлар билан мурожаат этадилар. Ваҳоланки, ота-она ўз фарзандлари руҳиятидаги айрим кирраларни ўқитувчидан кўра яхши билиши, ўқитувчи эса ўсмир хулқидаги ота-она пайқамаган томонларни яхшироқ тушуниши мумкин. Айнан шу боис ўсмир таълим-тарбияси борасида отаоналарнинг таълим муассасаси билан яқин педагогик ҳамкорлиги дезадаптация жараёни келиб чиқишининг олдини олиши ва бартараф этиш имкони пайдо бўлади.

Ўсмир учун оила ва оилавий муносабатларнинг аҳамиятлилик даражаси юқори эканлигини эътиборга олган вазиятда таълим соҳасидаги дезадаптация келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳам оилада ўсмирнинг ўқиш фаолиятига нисбатан шаклланган муносабатлари бўлишидир. Оила, энг аввало, унда бевосита иштирок этган ҳолда психик шикастланишнинг муҳим манбаи сифатида намоён бўлиши мумкин.

Кўпинча ўсмирлардаги психологик ўзгарувчанлик, хафагарчилик, бефарқлик, психореактив бузилишларда эса ҳаддан зиёд таъсирлар (кучли шахсий кулфат, таҳқирланиш, қийноқ) шикастлантиради. Бундан ташқари, шикастланиш жараёнида билвосита оила иштирокининг турли усул лари ҳам мавжуд бўлиб, бунда у ўз аъзоларининг шикастланишга нисбатан заиф жойлари, шикастланиш оқибатларининг давомийлиги, унинг терапевтик таъсирларга барқарорлигини белгилайди. Э.Г.Эйдемиллер ва В.В.Юстицкис оилани, ўз аъзоларининг маълум бир эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, унинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи бир қатор функцияларни бажарувчи, ижтимоий институт сифатида белгилашди.

Дисфункционал (нотинч, муаммоли) оилалар шахсий, маънавий ўсишга доир эҳтиёжларни қониқтиришга қодир бўлмайди. Дисфункционал оилалар ва уларнинг бола психосоциал ривожланишига таъсири таҳлили болаларнинг катта гуруҳида улар эрта ижтимоийлашувининг шартлари бузилганлигини кўрсатади. Уларнинг бир қисми турли шаклдаги девиацияларга олиб келувчи жисмоний ва руҳий зўрлик хавфи билан боғлиқ стрессли вазиятлар шароитида, бошқалари жиноий хулқнинг барқарор кўринишлари шаклланиши билан алоқадор жиноий фаолиятга киришган бўлишади.

Дисфункционал оиланинг қуйидаги белгилари ажратилиб кўрсатилади:

- муаммоларни инкор этиш ва иллюзия (хом хаёл)ларни қувватлаш;
- интимлик вакууми (муносабатларда илиқлик ва ишончнинг етарли эмаслиги);
- «лоқайд» қоида ва роллар;
- низоли ўзаро муносабатлар;
- ҳар бир аъзо «мен»ининг дифференциялашмаганлиги;
- шахс чегарасининг бузилгани ёки кўринмас девор билан тўсилганлиги;
- ҳамма бир-биридан сир сақлаши ва сохта бирдамликни намойиш қилиши;
- ҳиссиёт ва мулоҳазалар қарама-қаршилиги;
- тизимнинг берклиги;
- ирода, назоратнинг мутлақлаштирилганлиги.

Ижтимоий дезадаптация ҳолатларининг психопрофилактик тадбирларини режалаштириш ва ўтказилишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- оиланинг ижтимоий-демографик маълумотларини ўрганиш;
- ўсмир шахси индивидуал-типологик хусусиятларини ўрганиш;
- оилавий муносабатлардаги низоли вазиятларни коррекциялаш;

- ота-она, оиланинг бошқа аъзолари диққатини ўсмир ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш ва ижобий ўзгаришларни шакллантиришга қаратиш;
- оилада ўсмир шахсини ҳурмат қилиш;
- ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлганида вужудга келган низоли вазиятга отаонанинг фарзанди нуқтаи назари билан ёндашиш;
- ўсмир ҳаётига илгари содир бўлмаган янгиликларни киритишга ҳаракат қилиш.

Ота-онанинг ўсмир билан бугунги кунни қандай ўтказганлиги, эртанги кун режалари, эмоционал яқинликка асосланган суҳбат олиб борилиши, биргаликда келажак мақсадларини режалаштириш, унинг ҳаётидаги қийинчиликлар албатта тез орада ўтиб кетиши, қачон зарурат туғилса оиласи унга албатта керакли ёрдамни беришга тайёр эканлигини айтиш, унда ижобий руҳий ҳолат, келажакка ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Албатта, бунда ота-оналар ўсмирнинг истак-хоҳиш ва қизиқишларини инобатга олишлари лозимлигини тушунишлари керак; масалан, бирор спорт тўғарагига қатнашиш, оила учун зарур бўлган юмушларни бажариш, келажакда олий таълим муассасасига кириш учун фан тўғарақларига аъзо бўлиш, касб-ҳунар ўрганиш ва бошқалар. Психологларнинг фикрича, уй ҳайвонларига қараш, уларга ғамхўрлик қилиш руҳий танглик, эмоционал зўриқиш ҳолатларининг пасайишига ёрдам бериши мумкин.

Айнан оилада ўсмирлик даврида ижтимоий психологик дезадаптация ҳолатлари ўз вақтида аниқлаб бартараф этилмаса, ўсмир шахсининг камолотига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат куйидагиларга олиб келади: - ўсмирни ўз-ўзига берадиган баҳосининг янада пасайиб кетиши натижасида масъулиятсизлик, боқимандалик, агрессив хулқ кўринишларининг шаклланиши; - невроз ҳолатининг вужудга келиши ва ҳатто психик бузилишларга сабаб бўлиши мумкин. Оилада ўсмирларда ўз-ўзини намоён эта олиш имкониятларини топишга ёрдам бериш, ота-оналар томонидан уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уларни ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтириш, истиқболли мақсадларга интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳаётий қадриятларнинг фаоллашуви келажакка ишонч, ўз атрофдагилар учун аҳамиятлилик даражасининг юксалиши ўсмирнинг ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз имкониятларини оширади. Ўсмирнинг ижтимоий дезадаптация ҳолатларини бартараф этишда оилавий тарбия методларини ўрганиш, ота-оналар оилавий муносабатларга ўзгартириш киритиши, қандайдир янгиликлар олиб кириши, оилавий тадбирларни биргаликда ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий дезадаптация ҳолатлари натижасида шаклланган ўсмир хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда зарурий ҳолларда эҳтиёткорлик билан ота-оналарнинг психолог, психиатр ва психотерапевт маслаҳатларини олишдан чўчимаслиги, уларнинг хоҳишига кўра, бу маслаҳатлар аноним тарзда берилиши мумкинлиги, ундаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар тўғрисида улар билан ўтказилган суҳбатларни очик таҳлил қилиш мумкинлигини тушунтириш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Akramova F.A. Oilada ma'naviy muhitni shakllantirishda xotin-qizlarning roli. - T.: «Nixol Print», 2016. -42-b.
2. Akramova F.A. Oilada sog'lom psixologik muhitni tarkib toptirishning ijtimoiy-psixologik asoslari. - T.: : «Shams ASA», 2014. -185-b.
3. Сулейманова Т.Г. Ўсмирлик даврига хос суицидал хулқнинг психологик коррекцияси имкониятлари. – Т.: ТДПИ, 2011. –71-72-б.
4. Умаров Б.М., Усмонов Э.М. Педагогик кадрларнинг ота-оналар билан ишлашнинг айрим психологик масалалари (Психологические аспекты совершенствование подготовки учительских кадров в педвузах и университетах в условиях непрерывного образования). Тезисы докладов научно-практической конференции. Часть 4. – Т., 1994.
5. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В. Психология и психотерапия семьи. – СПб.: «Питер», 2000. –С. 656
6. Umida IBAIDULLAYEVA, Rustam ABDURASULOV The influence of the level of conflict of adolescents on their psychological level/
7. R Abdurasulov, U Ibaydullayeva METHODS OF OVERCOMING INTERNAL CONFLICTS BETWEEN TEENAGERS/Архив Научных Публикаций JSPI, 2020
8. Ibaydullayeva, U., & Mamatqulova, Y. (2022). Ota-ona va farzandlar ortasidagi inqirozli vaziyatlarda psixologik yordam korsatishning oziga xos xususiyatlari. Zamonaviy Innovatsion Tadqiqotlarning Dolzarb Muammolari Va Rivojlanish Tendensiyalari: Yechimlar Va Istiqbollari, 1(1), 471–473. Retrieved from
9. Qarshiboyeva, G.A., Ibaydullayeva, U., Oila psixologiyasi// O'quv qo'llanma/ 2022, b.256
10. Ibaydullayeva, U., OTA-ONA VA FARZAND O'RTASIDAGI NIZONING PSIXOLOGIK OMILLARI//Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti ilmiy jurnali.
11. Абдурасулов Рустам Абдураимович Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, The influence of motivation on the formation of personality traits//Journal of Physical Education and Sport (JPES)

12. Ibaydullaeva Umida, he Effect of the Level of Conflict on the Characteristics of Adolescents//International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology
13. Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Низолашув даражасининг характерни шаклланишидаги аҳамияти. // Замонавий тадқиқотлар, инновацияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари: ечимлар ва истиқболлар Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами
14. Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Ўсмирлар характер хусусиятларига низонинг таъсири. // Ишлаб чиқаришнинг техник, муҳандислик ва технологик муаммолари инновацион ечимлари // Халқаро миқёсидаги илмий-техник анжуман материаллари // Жиззах Политехника Институти //2021/10//267-270 б.
15. Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Рол отношения родителей к ребенку при разрешении конфликтов//журнал Вестник интегративной психологии/2021/10//132-135ст.
16. Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Низоли вазиятларда ўсмирларнинг хулқ-атвор типлари хусусиятлари//журнал Психология//БухДу/2021/10//95-100б
17. Ibaydullaeva Umida, Peculiarities of providing psychological assistance in crisis situations between parents and children//International Journal For Innovative Engineering and Management Research//2021/2//236-238p
18. Абдурасулов Рустам Абдураимович, Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Ўсмирлар тарбиясида оиланинг ўрни//“Ўзбекистонда оила масалаларини илмий-амалий тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлари” мавзусидаги ONLINE Республика илмий-амалий конференцияси//2020/11//104-108б
19. Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, Ўсмирлар ўртасидаги низолар ва уларни бартараф этиш//Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг I илмий-амалий конференцияси, МИРЗО УЛУГ‘БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ//2020/5//37-39б
20. Абдурасулов Рустам Абдураимович, Ибайдуллаева Умида Рустамжоновна, //Ўсмирлик даврида шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар//Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари//2019/5//167-169б
21. Ibaydullaev T. G. PHILOSOPHICAL AND CULTURAL FOUNDATIONS OF THE CLASSIFICATION AND GENESIS OF CLOTHES //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 754-757.

22. Ibaydullayev T. G. ETHNIC CLOTHS AS A MAIN FACTOR OF NATIONAL CULTURAL DEVELOPMENT //EurasiaScience. – 2019. – С. 119-120.
23. Ибайдуллаев Т. ГАРМОНИЯ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ШВЕЙНОЙ КУЛЬТУРЫ И СОВРЕМЕННОСТИ // Научно-просветительский журнал "Наставник". – 2021. – № 1. – С. 92-95.
24. Ibaydullaev T. A study of national clothes and games as an individual part of cultural heritage //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 6. – С. 13-15.
25. Ибайдуллаев Т. КЛАССИФИКАЦИЯ УЗБЕКСКОГО ТРАДИЦИОННОГО КОСТЮМА (В РАЗРЕЗЕ АНАЛИЗА ЖЕНСКИХ КОСТЮМОВ) //InterConf. – 2021.
26. Ибайдуллаев Т. Г. Философско-культурные основы древнего казахского и киргизского костюма //Онтологические и социокультурные основания альтернативного проекта глобализации.—Екатеринбург, 2021. – 2021. – С. 118-121.
27. Ибайдуллаев Т. Г. УЗБЕКСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ОДЕЖДА В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ //Культура в евразийском пространстве: традиции и новации. – 2020. – С. 56-62.
28. Каршибаева Г.А. Характеристики мотивационных потребностей подростков с суицидальным поведением //EurasianUnionScientists. – 2020. – Т. 1. – №. 10 (79). – С. 48-49.
29. Каршибаева Г. А., Юлдашева Г. Б. Конфликт как одно из значимых явлений психической жизни человека //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 459-464.
30. Қаршибоева Г.А. Ўсмирларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришнинг ижтимоий психологик жихатлари //Журнал Педагогика и психологии в современном образовании. – 2022. – Т. 2. – №. 4.
31. Қаршибоева Г.А. Ўқувчиларда касбий установакаларнинг шаклланишининг психологик жихатлари //Журнал Педагогика и психологии в современном образовании. – 2022. – Т. 2. – №. 4.
32. Каршибоева Г. А. Эмоциональные аспекты при суицидальной поведении подростка //EDITOR COORDINATOR. – 2021. – С. 304.
33. Каршибаева Г. А. Факторы и причины суицида //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 651-656.
34. Каршибоева Г. А. Психопрофилактические меры по предупреждению суицидного поведения у подростков: Каршибоева Гульноза Абдукодировна, Джизакский государственный педагогический институт-старший

- преподаватель //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 2-Махсус сон. – С. 298-305.
35. Каршибоева Г. А. Характеристики мотивационных потребностей подростков с суицидальным поведением//Евразийский Союз Ученых. – 2020. – №. 10-1 (79). – С. 48-49.
36. Каршибаева Г. А. Аспекты социально психологического исследования суицидального поведения подростков //Мир образования-образование в мире. – 2021. – №. 1. – С. 50-56.
37. Abduqodirovna G. Q., Burxonovich A. S., O'skanov son Abdurashid M. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager //International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 7. – С. 54-59.
38. Каршибоева Г.А.. Диагностика суицидального поведения у подростков //Вестник интегративной психологии. – 2021. – №. 22. – С. 84-89.
39. Каршибаева Г. А. Причины суицида и факторы риска //Психология интегральной индивидуальности в информационном обществе. – 2021. – С. 90-96.
40. Karshibayeva, G Diagnosis of suicidal behavior in adolescents. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal.// Vol 10 Issue03, March 2021 501-505 p.
41. Karshibayeva, G. The importance of motivation to avoid failure in achieving the success of young football players. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2)
42. Karshibayeva, G. Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
43. Karshibayeva, G. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
44. Каршибаева Г.А., Валиева Ч. Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №25 (том 4) (апрель, 2022). Дата выхода в свет: 30.04.2022.
45. Каршибаева Г. А. Ўсмирларда суицидал хулқнинг олдини олишда амалга оширила-диган психопрофилактик чора-тадбирлари. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” илмий услубий журнал, 2021 йил, махсус сон. 298-305 ст.
46. Каршибаева Г. А., Ибайдуллаева У.Р. Оила психологияси. Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент – 2022 й.

47. Каршибаева Г. А., Абдуасулов Р.А. Психологик маслаҳат. Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент – 2022 й.
48. Каршибаева Г. А. Ўсмирларда суицидал ҳулқни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик ҳолатлари. *Psixologiya ilmiy jurnali/ Вухоро. №4, 2020 101-104 бб*
49. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>
- 50.12. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>
- 51.13. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИЩДА ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, (3)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
52. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O‘RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.*